

АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида 5 октябрь куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг еттинчи саммити бўлиб ўтди.

Саммитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев иштирок этди.

Анжуманда кузатувчи мамлакат вакили сифатида Венгрия Бош вазири Виктор Орбан, шунингдек, Туркманистон Вазири Маҳкамаси раиси ўринбосари Пурли Агамуратов қатнашди.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев саммитни очар экан, Президент Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлгани муносабати билан табриклади. Ўзбекистон раҳбарининг бу тарихий қарори туркий тилли давлатларнинг ҳамжиҳатлиги ва изчил тараққиётига хизмат қилишини қайд этди.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши саммитида илк бор тўла ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этди. Мамлакатимиз ушбу нуфузли халқаро тузилмага жорий йилда қўшилди.

Шавкат Мирзиёевнинг очиқ ва прагматик ташқи сиёсати, узоқ ва яқин давлатлар билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуслари туфайли кейинги йилларда Ўзбекистоннинг дўстлари, хайрихоҳлари кўпайди. Қўшни, яқин ва узоқ мамлакатлар билан мулоқо аъзо – соғлом сиёсий ва иқтисодий алоқалар йўлга қўйилди. Халқаро ҳамкорликнинг янги йўналишлари, янги механизмлари жорий этилмоқда.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши ана шундай янги мулоқот майдонларидан биридир. Бу ташкилот 2009 йил 3 октябрда Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида тузилган бўлиб, дастлаб унга Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон аъзо эди.

Кейинги йилларда мазкур давлатлар билан алоқалар мустаҳкамланди. Олий ва юқори даражадаги ташрифлар амалга оширилди. Президентимиз 2018 йил 3 сентябрь куни Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган саммитда фахрий меҳмон сифатида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Чўлпонотадаги саммитда халқларимизни азалдан ўхшаш тил, муштарак маънавий қадриятлар ва ҳамкорлик ришталари бир-бирига боғлаб келаятгани, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши доирасида ўзаро манфаатли шериклик учун кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидлар экан, бу борадаги асосий йўналишларга тўхталиб, бир қанча муҳим ташаббусларни илгари сурган эди. Дастлабки ташаббуслар амалга оша бошлаганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Хусусан, жорий йил 5 октябрда Тошкентда Туркий тилли давлатлар Ишбилармонлар кенгаши бизнес форуми ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Венгриядан 500 дан зиёд тадбиркор қатнашди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЧОРВАЧИЛИК ВА БОҒДОРЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 октябрь куни чорвачилик ва боғдорчилик тармоқларини ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига ушбу тармоқларнинг муҳим эканлиги инobatта олиниб, кейинги икки йилда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, "Ўзбекчорванасл", Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентликлари ташкил этилди.

Йиғилишда чорвачилик тармоғида бажарилган ишлар ва келгусидаги режалар муҳокама этилди. 2019 йилда "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида чорвачиликни ривожлантириш учун 1 триллион 603 миллиард сўм, паррандачиликка 332 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижанда майда шохли чорва сонини 550 минг бошга, парранда сонини 6 миллион 130 мингга кўпайди.

Йиғилишда аҳолини арзон гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш борасида қилинган ишлар етарли эмас, деб баҳоланди. Чорвачилик тармоғининг долзарб муаммоси ҳисобланган узлуксиз озуқа-ем таъминотини йўлга қўйиш масаласи муҳокама этилди. Бугунги кунда чорвачиликда озуқага бўлган эҳтиёж фақатгина 30-35 фоизга қондирилди. Хусусан, паррандачиликда озуканинг 85 фоизи импорт ҳисобига таъминланади.

Қорақалпоғистоннинг Тахтақўпир, Қўнғирот, Кеғейли ва Мўйноқ туманларида 1 миллион гектар пичанзор ва

яйлов ерларида 182 минг бош чорва моллари боқибга қўйиб, 486 лойиха ишлаб чиқилди.

Мутасаддиларга 2019-2021 йилларда 300-500 бош чорва боқибга мўлжалланган 270 бўрдоқчилик комплекси ва 260 сутчилик корхонасини ташкил этиш ишларини жаддалаштириш топширилди.

Чорвачилик соҳасида маҳсулдорликка эришиш учун, аввало, наслчилик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Йиғилишда Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига хорижий тажриба асосида наслчиликни ривожлантириш ва маҳсулот нархини пасайтириш учун ҳарajatнинг бир қисмини субсидиялаш механизминини ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берилди.

Боғдорчилик соҳасига доир масалалар ҳам кун тартибига қўйилди. Жорий йилнинг 9 ойида мева-сабзавот экспорт қарийб 1 миллиард АҚШ долларига етди. Бўш ерлардан унумли фойдаланиш, талаб юқори бўлган экин навларини етиштириш натижасида келгусида ушбу кўрсаткични янада ошириш имконияти мавжудлиги қайд этилди.

Президентимиз бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳали талаб даражасида эмаслигини таъкидлади. Хусусан, Тошкент вилоятининг Қўнғирот ва Тошкент туманларида мавжуд боғларнинг 912 гектари ёки 20 фоизи, тоқзорларнинг 164 гектари ёки 13 фоизи эски

ва самарасизлиги аниқланган. Бундан ташқари, фойдаланилмаётган 1400 гектар лалми, шунингдек, галла экилаётган 4040 гектар ерлар мавжуд. Ушбу туманларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи 19 корхона 50 фоиз қувватда ишламоқда.

Шу боис, мева-сабзавотга ихтисослашган барча 55 туманда боғдорчилик соҳасида мулоқо янги тизим жорий қилинади. Унга кўра, хориж бозорларида ўз товар белгисига эга бўлган экспортчилар ҳамда қайта ишлаш корхоналари иштирокида ушбу туманларда кооперациялар ташкил этилади. Ҳар бир туманда экинларни жойлаштириш кооперациялар тақдими бўйича амалга оширилади, улар боғ ва тоқзорларга қўчатларни етказиб бериш, ҳосилдорликни ошириш юзасидан кўмаклашади. Шунингдек, боғдорчиликка ихтисослашган ҳар бир туманда агротехник тадбирларни тўғри амалга ошириш учун ўқув марказларини очиш вазифаси қўйилди.

Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлигига янги тизимни жорий этиш, кооперацияларни молиявий таъминлаш юзасидан аниқ амалий тақдирлар ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилишда белгилаб берилган вазифаларнинг пировард мақсади мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажминини йилга 5 миллиард долларга етказишдан иборат.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди ва келгусида амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Ў.А.

Ўзбек қовуни Хитойга экспорт қилинади

Жорий йилнинг 27-28 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Хитой Халқ Республикасига амалга оширган расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Усимликлар қарантини давлат инспекцияси ва Хитой Халқ Республикасининг бош божхона бошқармаси ўртасида "Ўзбекистондан Хитойга қовун экспорт қилиш бўйича фитосанитар талаблар тўғрисида баённома" имзолангани экспорт борасида яна бир дадил қадам ташланганига мисол бўлади.

Ушбу баённомага мувофиқ, Ўзбекистондан Хитойга экспорт қилинадиган қовун Хоразм, Сирдарё, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида етиштирилган бўлиши лозим. Шунингдек, Хитойга экспорт қилинадиган қовун фитосанитар талабларга тўлиқ мувофиқ келиши, жумладан, зарарли организмлардан холи ҳудудларда етиштирилиб, қарантин инспектори томонидан мониторинг назоратидан ўтказилган бўлиши талаб этилади.

Қовунни экспорт қиладиган барча даладар, қадоқлаш цехлари Хитой ва Ўзбекистон карантин хизматларининг бирга-

ликдаги рўйхатдан ўтказилиши ва тасдиқланиши лозим. Ушбу рўйхатдан жой олишни режалаштираётган тадбиркорлик субъектлари "Ўздавқарантин" инспекциясига мурожаат қилишлари керак.

Хитой томонидан қовун экспортига қўйилаётган талабларнинг тўлиқ матни инспекциянинг расмий веб-сайтга (www.karantin.uz) жойлаштирилган.

Юқоридagi талабларга риоя этилмаган ҳолда, юкланиб экспортга йўналтирилган қовун чегара масканларидан қайтарилишига сабаб бўлиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирги кунда Хитойга Ўзбекистондан экспорт қилишга рухсат этилган

карантин остидаги маҳсулотлар тури 12 тани (гилос, мош, қориксиз грек ёнғоғи, ширин ва аччиқ бодом, узум данаклари, кунжут, майиз, қуритилган аччиқ қалампир, аччиқ қалампир, ўрик қоғи-си, қовун) ташкил этади.

Экспортёр тадбиркорлар юқорида кўрсатилган маҳсулотларни транспортга юкландан олдин "Ўздавқарантин" инспекциясининг ҳудудлардаги инспекторларига мурожаат этишлари лозим.

Ҳозирда "Ўздавқарантин" инспекцияси ХХР карантин хизмати билан Хитойга қўшимча равишда анор, узум ва лимон экспорт қилинишига рухсат олиш бўйича музокаралар олиб бормоқда.

Лазиз БЎРАНОВ,

"Ўздавқарантин" инспекцияси матбуот котиби.

ИНТЕГРАЦИЯ ВА ҲАМКОРЛИК УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Туркий кенгашининг 7-саммити иштирокчилари, туркий дунё ҳамжамиятини муҳим сана – Туркий давлатлар ҳамкорлиги кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битими қабул қилинганнинг 10 йиллиги билан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ушбу муҳим ҳужжатнинг имзоланиши мустақкам тарихий алоқалар, тил, маданият ва маънавий қадриятлар муштараклигига асосланган туркий давлатларнинг самарали ҳамкорлигига янги даврни бошлаб берди.

Бугун Туркий кенгаш аъзо-давлатлар ўртасида мулоқот ва кооперацияни кенгайтириш ва мустақкамлаш, жаҳон миқёсида уларнинг манфаатларини самарали ҳимоя қилиш учун нуфузли халқаро платформа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси катта туркий оиланинг узвий бўлаги сифатида туркий тилли давлатлар билан муносабатларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистон туркий дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланган "Туркистон – умумий уйимиз" деган ташаббусни илгари сурди. Мамлакатимиз туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарларининг илк саммитларида фаол иштирок этди. 1996 йил 21 октябрь куни Тошкент шаҳрида туркий тилли давлатлар раҳбарларининг тарихий – тўртинчи учрашуви бўлиб ўтди. У туркий тилли давлатлар ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим даврни бошлаб берди ва маълум маънода замонавий Турк кенгашини тузишга асос бўлди. Ушунда Тошкент декларациясини имзолар экан, давлатлар раҳбарлари ўзаро маслаҳатлашувларни мунтазам ўтказиш зарурлигини қайд этиб, туркий тилли давлатлар раҳбарлари учрашувлари Котибиятини ташкил қилишга келишиб олди. Бу муҳим институт ролпа-роса 10 йил аввал Турк кенгашининг Нахичеван битимига мувофиқ таъсис этилган ҳамкорлик кенгашининг замонавий Котибияти фаолиятида ўз ифодасини топди.

Жорий йилда Ўзбекистон расман Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига Нахичеван битимига қўшилган ҳақидаги ариза билан расман мурожаат қилди. Мазкур мурожаат Ташкилотга аъзо барча давлатлар томонидан илқ қарши олинди, бунинг учун уларга чуқур миннатдорлик изҳор қилдимиз. Гоят қисқа фурсатда – қарийб бир иш кунинда ижобий жавоб берилди.

2019 йил 14 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Нахичеван битимига қўшилиш тўғрисидаги фармони имзоланди. Шу куннинг ўзидаёқ уни ратификация қилиш тўғрисидаги қонун қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Кенгаш Котибияти ва депозитарийсига Ўзбекистон Нахичеван битимига қўшилиши тўғрисида ҳужжат юборилди.

Ишонаманки, Ўзбекистоннинг Туркий кенгашига аъзо бўлиши туркий дунёга интеграцияни мустақкамлашга хизмат қилади ва ҳамкорлик учун янги имкониятлар яратди. Туркий кенгаш аъзо мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий алоқаларини мустақкамлашга интилаётгани айни дамда гоят муҳим.

Ўзбекистон Кенгашига аъзо барча давлатлар билан нафақат икки томонлама, балки қатор халқаро тузилмалар доирасида ҳам кўплаб соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш борасида катта тажрибага эга.

Туркий кенгаш фаолияти доирасидаги давлатлараро муносабатларнинг ижобий тенденциялари биз учун бугунги кунда нафақат Туркий кенгаш, балки БМТ, ЕХҲТ, Ислмон ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Афғонистон бўйича "Истанбул жараёни – Осий юраги" каби халқаро тузилма ва механизмлар билан ўзаро алоқалар доирасида ҳам ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг янги истиқболларини очмоқда.

Кенгаш маслаҳатлашувлар давлатлараро муносабатларни мувофиқлаштирувчи механизм ва Марказий Осий, Кавказ, Ўрта Шарқ ва Европада тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни илгари суриб воситаси сифатида улкан имкониятларга эга. Менинг назаримда, аъзо давлатлар ўртасида бирор-бир муаммо ёки келишмовчилик йўқлиги Кенгашининг энг муҳим афзаллиги ҳисобланади. Унинг барча аъзолари Туркий кенгаш фаолияти халқаро ва минтақавий кун тартибига оид долзарб масалалар бўйича муштарак ёки яқин яқдил қараш ва позицияларга амал қилади. Демак, иқтисодиёт, инвестициялар, инновациялар ва юқори технологиялар, муқобил энергетика ва экология, транспорт ва коммуникациялар, туризм, илм-фан, таълим ва тиббиёт каби устувор соҳаларда фаол ҳамкорлик қилиш учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ.

Туркий кенгаш давлатлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликнинг амалдаги даражаси бизни гоят руҳлантиради. Айни пайтда унинг ҳақиқий салоҳияти анча юқори. Бизда янада юксак натижаларга эришиш учун барча зарур имкониятлар, энг асосийси, қатъий сиёсий ирода бор. Бу эса, шубҳасиз, халқларимиз манфаатларига тўла жавоб беради.

Шу маънода, Ўзбекистон ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари ва йўналишларини белгилаб олди. Биз уларни фаол қўллаб-қувватлашга тайёرمىз.

(Давоми 2-саҳифада)

Фарғоналиклар пахтачиликда карвонбоши

Бу йил фарғоналиклар пахта йиғим-теримига карвонбоши бўлдилар. Улар 27 иш кунинда шартномавий режани уддалаб, вилоят бўйича ҳосилдорликни гектарига қарийб 32 центнерга етказишди. Вилоятдаги 100 дан ортиқ фермер хўжаликлари ҳосилдорликни гектарига 50 центнерга етказишган бўлса, 120 нафар фермер 45 центнерга, яна шунчаси 40 центердан зиёд ҳосил олишди.

Меҳнат зафарининг нашидасини тотиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Тармоқда инновацион гоёлар, олимлар ишлаб чиққан янги технология усуллари, бободехқонларнинг кўп йиллик илғор тажрибалари дадиллик билан жорий қилинди. Айниқса, сугорилишда тежамкор усуллар қўлланилгани, гўза зараркундаларига қарши курашда дронлардан фойдаланиш йўлга қўйилиб, ҳашарот ўчоқлари тепадан аниқлангани ва уларга қарши самарали курашилгани қўтиланган натижани берди. 82 минг гектардан зиёдроқ пахта майдонини 242 минг тоннадан ортиқ юқори навли пахта ҳомаёси етиштирилди.



– Экин ерларимиз нитратга тўлиб кетгани учун ҳам зарарланиш бошланган эди. – дейди Олтиариқ туманидаги "Нурли обод" фермер хўжалиги раҳбари Ўзбекистон Қаҳрамони Лолахоҳ Муротова. – Ҳар йили вегетация маҳали кўплаб минерал ўғитлар ерга солинарди. Меърдан ортиқ ўғитни ернинг ҳазм қилиши қийинлашарди. Энди бу соҳада бошқача тажрибани синаб кўрмоқдамиз. Чигит экиладиган ерга сентябрь ойида сули, рапс,

третикале каби оралық экинларни экиш тажрибасини қўллаб бошладик. Бунда биринчидан ернинг структураси янгилашиб, гектаридан камиди 40 центнердан чорва учун кўк масса олинапти, иккинчидан апрель ойида шудгор қилинган ерларда ҳар гектар ерда ўртача 400 тонна маҳаллий ўдир ҳосил бўляпти. Тупроққа қоршиган сифат экинларнинг томири, барглари тупроқни иситиб беради. Шу боис, чигит мисоли она қорнида турган-

дай ривожланади, совуқ олмайд, бехато кўради. Ҳар бир соҳада янгиликлар жорий қилиш ўзининг ижобий самарасини беради. Пахтачиликда янги усулларни жорий қилганимиз қўтиланганда аъло натижани берди. 200 гектардан ортиқ ернинг ҳар гектаридан ҳосилдорликни 50 центнерга етказиб, вилоятнинг "оқолтин" хирмонига ўзимизнинг муносиб улушимизни қўшдик.

Бу йил кластер усули вилоят учун жуда қўл келди. Утган йили фақатгина Риштон тумани фермерлари бу усулда меҳнат қилгани натижасида мамлакатда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарган эди. Уларнинг меҳнатда эришган муваффақияти қўшни туманлар фермерларининг ҳавасини келтирган эди. Бу туман ҳосилдорликдагина эмас, пахтадан даромад олишда ҳам олдинга ўтиб олганлигидан қўшни бир қатор туманлар шу усулда ишлаш истигани билдиришди.

– Мухтарам Президентимизнинг пахтачилик соҳасида кластерларни қўлайтириш, илож бўлса бошқа соҳаларда ҳам бу усулни қўллаш борасидаги ташаббуслари асосида вилоят ҳокими бу соҳага кенг йўл очди. – дейди вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари Халимжон Умаров.

(Давоми 3-саҳифада)

ИНТЕГРАЦИЯ ВА ҲАМКОРЛИК УЧУН ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Бу, биринчи навбатда, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ. Бугунги кунда мазкур йўналиш ҳамкорликнинг локомотиви бўлиши даркор, чунки у халқларимиз фаровонлигининг асосидир. Бунда мамлакатларимиз етакчи саноат корхоналари, инвестиция компаниялари, банк-молия институтлари ва тadbirkорлар ўртасидаги кооперацияни кўчатириш, шунингдек, минтақаларо самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур.

Транспорт ва транзит соҳаларидаги яқин кооперация алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдоримиз. Интеграциялашган транспорт алоқаси тармоғини ташкил қилиш дунёнинг асосий ва минтақа бозорларига чиқиш имконини беради. Бу ерда сўз, аввало, Шимол-Жануб ва Шарқ-Гарб халқаро транспорт йўлаклари, Марказий Осиё минтақасини Хитой, Шимол-Шарқий ва Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Европа мамлакатлари билан боғловчи автомобиль, темир йўл ва ҳаво йўллари ҳақида бормоқда.

Шу мақсадда минтақада транспорт инфраструктурасини ривожлантириш бўйича стратегик жиҳатдан муҳим қатор лойиҳалар амалга оширилган. "Анджон – Ўш – Ирқештом – Қошғар" автомобиль йўлагининг ривожланиши, шунингдек, "Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон" темир йўли қурилиши бошланиши билан янада улкан имкониятлар очилмоқда.

Барча соҳаларга илгор ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацияларни жорий қилиш ҳар қандай давлатнинг раёбатбардорлиги ва барқарор тараққиётини белгилаб берувчи омил ҳисобланади. Шунинг учун Туркий кенгаш мамлакатларини инновацион ривожлантириши биз устувор вазифа деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан биз келажак технологияларини ўзлаштириш бўйича дастур ва лойиҳаларни илгари суриш мақсадида инновацион ривожланишга масъул идоралар, илмий-тадқиқот марказлари ва венчур компанияларини ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйишни тақдир этамиз.

Маълумки, туркий тилли мамлакатлар халқлари бутун инсониятнинг бойлиги ҳисобланган ўзига хос бебаҳо маданий-тарихий ва маънавий меросга эга. Мамлакатларимизда туркий ва ислом цивилизациясининг тарихий ёдгорликлари, буюк олимлар, шоир ва мутафаккирлар, рассомларнинг мероси асраб-авайланади. Бу бебаҳо бойлик бутун инсоният мулки бўлиб, ундан бутун дунё баҳраманд бўлиши керак. Зийрат туризмни фаол ривожлантириш бунга хизмат қилади. Туризм индустрияси иқтисодиётнинг тарихий қисми сифатида мамлакатлар ва халқларни яқинлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Бугунги кунда келажакимиз истиқболлини белгилаб эканмиз, биз, шубҳасиз, халқларимизнинг маънавий-ахлоқий қадриятлари, бой тарихи ва маданияти, уларнинг кўп асрлик дўстлиги, яхши қўшничилик ва ўзаро англашув аъённаларига таянамиз. Маданий-гуманитар ҳамкорлик давлатлар ўртасидаги муносабатлар муҳитини шакллантиради, инсонларни бирлаштиради. Қозоғистонда Ўзбекистон йилнинг ва Ўзбекистонда Қозоғистон йилнинг ўтказилиши, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Туркменистон маданият кунлари ва кўшма дўстлик концертлари, фестиваллари, кўргазмалари, шунингдек, инсонлар қалбига илқ туйғуларини жўш урдирган кўплаб бошқа кўшма тadbirkорлар ташкил қилиниши бундан ёрқин далolatдир. Бу Туркий кенгашнинг барча мамлакатлари учун яхши аъёнага айланиши ва, шубҳасиз, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишончим комил. Биз инсон капиталини ривожлантириш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш учун катта салоҳиятга эгамиз. Таъриба алмашиш, кўшма таълим, илмий ва маданий лойиҳалар, ёшлар таълим-тарбияси бўйича истиқболли дастурларни амалга ошириш Туркий кенгашнинг устувор йўналишларидан бирига айланмоғи даркор.

Дунёда глобаллашув, беқарорлик ва қарама-қаршилик кучайиб бораётган шароитда айнан яқин ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик барқарор ривожланиш ва тараққиётга эришиш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Фикримча, терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотрафик, одам ва қурол савдосига қарши курашиш бўйича Туркий кенгаш мамлакатлари хуқуқни муҳофаза қилиш органлари саъй-ҳаракатини мувофиқлаштириш туркий тилли давлатлар кўп қиррали ҳамкорлигининг асосий жиҳатларидан бирига айланмоғи даркор.

Бугунги кунда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши янги, янада жадал ва масъулятли тараққиёт босқичига қадам қўймоқда. Бу қардош мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги изчил ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашни талаб этади.

Туркий тилли давлатларнинг сиёсий иродаси, очиқ ва конструктив сиёсати, давлатлар раҳбарларининг мунтазам учрашувлари туфайли минтақада ўзаро ишонч муҳити юзага келмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон ҳам фаол иштирок этмоқда. Туркий халқларнинг буюк намоёнаси, қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов мамлакатимизнинг тарихидаги роли ҳақида гапирар экан, "Византия славян давлатлари тақдирини қандай роль ўйнаган бўлса, ўзбек халқи туркий тилли мамлакатлар тақдирини қандай шундай роль ўйнаган", деб таъкидлаган эди.

Бугун ҳам тарихий тараққиётнинг янги ва айни дамда мурраккаб босқичида Ўзбекистон Республикаси туркий тилли давлатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга муносиб ҳисса қўлишига тайёр.

Туркий тилли давлатлар халқларини Туркий кенгашнинг 10 йиллиги билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этиб, уларга тинчлик, омонлик ва фаровонлик тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

"Hurriyet Daily" газетаси (Туркия),
2019 йил 15 октябрь

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон билан ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги алоқалар фаол ривожланган экан, уларни хуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш зарурати пайдо бўлди. Жорий йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашини тузиш тўғрисидаги Наҳичеван битимини ратификация қилди. Мазкур ташаббус ташкилотнинг кенгайиши ва унинг халқаро майдондаги нуфузи ошишида жиддий қадам бўлди. Шу босис барча аъзо мамлакатлар Ўзбекистоннинг бу қарорини мамнуният билан қабул қилди. Расмий шахслар, экспертлар халқимизнинг туркийлар тарихидаги ўрни, бугунги салоҳиятини эътироф этди.

Аслида туркий халқларнинг келиб чиқиш тарихи милoddan аввалги минг йилликларга бориб тақалади. Турк ҳокимлиги, Қораконийлар, Ғазнавийлар, Салжукийлар ва Хоразмшоҳлар каби қадимги туркий давлатлар ўз даврининг энг қудратли салтанатларидан бўлган. Уларнинг таъсирида туркий тил ва турмуш тарзи кенг ёйла бошлаган, илм-фан, маданият ва санъат юксак ривожланган, кўплаб буюк алломалар етишиб чиққан. Уларнинг улкан кашфиётлари, нодир асарлари нафақат туркий тилли халқлар, балки бутун жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Туркий халқлар ўртасидаги яқинлик нафақат муштарак маданият, тил, дин ва ўхшаш қадриятлар, балки қадимдан савдо алоқалари йўлга қўйилиб, ўзаро борди-келди, ҳамкорлик қилиб келингани билан ҳам боғлиқ. Бу ришталар собиқ иттифок даврида узилиб қолган, чекланган бўлса-да, аммо мустақиллик йилларига келиб қон-қардошлик туйғуси яна эски ўзанини тоқди. Собиқ иттифок таркибидagi туркий мамлакатларда миллий ўзликни англашга эътибор кучайди, тарихий аъёналар қайта тикланди, туркий тилли давлатлар билан ўзаро алоқалар фаоллашди.

Туркий тилда сўзлашувчи давлатлар раҳбарлари 1990 йилларнинг бошидаёқ тили, дини, маданияти ва диний эътиқоди умумий бўлган қардош халқларнинг тенг хуқуқли ҳамжамиятига тамал тоши қўйганлар.

2009 йилда Озарбайжоннинг Наҳичеван шаҳрида Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон бу дўстлик ва ҳамкорликни янги босқичга кўтариш мақсадида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашини тузиш ҳақида келишиб олди. Ташкилот фаолиятининг асосий принциплари 2016 йилда қабул қилинган Истанбул декларациясида белгилаб қўйилди. Ташкилот таркиби Туркий тилли давлатлар раҳбарлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Катта мансабдор шахслари кўмитаси, Оқсоқоллари кенгаши ва Боқуддаги Парламент ассамблеяси, Нур-Султонда Турк академияси, Анкарада Турк маданияти халқаро ташкилотини иборат. Туркий кенгаш котибияти Истанбул шаҳрида жойлашган.

Бугунги кунда туркий тилли давлатларда яшаётган халқларнинг умумий сони 150 миллиондан ошади. Ушбу кенгашга аъзо давлатлар ҳудуди қарийб 4 миллион квадрат километри ташкил этади. Ўзбекистон қўшилгандан сўнг

АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Туркий кенгаш нуфузи, салоҳияти ва аҳамияти жиҳатидан Евроосиё марказидаги йирик тузилмага айланди.

Бу ташкилотнинг асосий мақсади қардош мамлакатлар ўртасида ишонч ва алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, транспорт, энергетика, туризм ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришдир.

Ўзбекистоннинг мазкур халқаро ташкилотга қўшилиши давлатимиз ташқи сиёсатидаги тарихий қадамлардан бўлиб, мамлакатимиз, халқимиз учун ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Хўш, Туркий кенгашга аъзолик нима беради? Аввало, Ўзбекистон ташқи сиёсатида янги йўналиш очилди, мамлакатимиз Марказий Осиё ва ундан кенгрок минтақада фаолият кўрсатаётган яна бир йирик халқаро ташкилотнинг тенг хуқуқли аъзоси бўлди. Айни пайтда халқимизнинг миллий ўзлиги, олис ўтмиши, тили, тарихий келиб чиқиши ва шаклланиши билан боғлиқ азалий қадриятлари ҳамда қўшни ва узоқ қардош мамлакатлар билан дўстона алоқалари қўшимча воситалар билан мустаҳкамланди.

Қолаверса, Туркий кенгашга аъзо ва кузатувчи давлатлар билан нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама форматда ҳам тўғридан-тўғри ҳамкорликни ривожлантириш имконияти яратилди. Президент Шавкат Мирзиёев саммитда сўзлаган нутқида Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, табиий ва тарихий жараёнлар ифодаси эканини таъкидлади. Юртимиз заминда умумий тарихимизнинг шонли саҳифалари битилгани, жаҳон илм-фани ва маданиятига беқиёс ҳисса қўшган Мухаммад Хоразмий, Аҳмад Фароғий, Абу Райҳон Бېруний, Ибн Сино, Мирзо Улўбек каби мутафаккирлар, муқаддас динимиз тарихида ўчмас из қолдирган Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари буюк алломалар, туркий дунёни қалам билан бираштираган Алишер Навоий сингари улуг шоирлар нафақат ўзбек халқи, балки барчанинг фахри ифтихори эканини қайд этди.

– Туркий кенгашга аъзолик халқимизнинг туб манфаатларига тўла жавоб беради. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида нафақат маданий-маънавий алоқалар, балки савдо-иқтисодий муносабатлар ҳам янги босқичга кўтарилмоқда. Охириги уч йилда давлатларимизнинг ўзаро савдо ҳажми салкам икки баробар ошди, миндан ортқ янги қўшма ширкатлар очилди. Транспорт қатновлари кенгаймоқда, визасиз тартиб асосида туристлар оқими тобора кўпаймоқда, халқларимизнинг қардошлик ришталари мустаҳкамланмоқда, – деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев саммит кун тартибига киритилган масалалар бўйича ўз фикр ва тақдирларини

билдирди.

Давлатимиз раҳбари тadbirkорлар ўртасида тўғридан-тўғри ва ишончли алоқалар ўрнатиш учун энг қулай шароитлар яратиб беришни устувор вазифа сифатида ташкил этиш, қўшма инвестиция жамғармаси ва туркий давлатлар савдо уйлари билан биргаликда барлоқ борасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришди.

Президентимиз ташаббуси билан яқинда Тошкентда муваффақиятли ўтказилган Туркий тилли давлатлар Ишбилармонлар кенгаши мажлиси ва Инвестиция форуми айнан шу мақсадга қаратилган эди. Туркий кенгашнинг еттинчи саммити доирасида Боқуда ташкил этилган бизнес форумда мамлакатимиз иқтисодий тармоқлари, ҳудудлар ва тadbirkорлик субъектларидан 120 нафар вакил иштирок этди. Бизнес форум якунига кўра юртимиздан Озарбайжонга ва автомобиллар, маийш техника жиҳозлари ва бошқа товарлар етказиб бериш бўйича умумий қиймати 430 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган 75 та шартнома имзоланди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида йирик транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш Марказий Осиё – Туркия транспорт йўлга орқали Европа, Хитой ва Жанубий Осиё бозорларига чиқиш учун салмоқли имкониятлар яратишини, "Боку – Тбилиси – Карс" янги темир йўлининг салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Транспорт ва логистика марказларини барлоқ этишда аъзо мамлакатлар ҳудудидаги денгиз портларининг замонавий инфра-тузилмасини ишга солиш ҳамда ташқи савдо юкларини ташвида Туркий кенгашга аъзо мамлакатлар учун ўзаро келишилган чегирма ва имтиёзларни қўллаш масаласини кўриб чиқиш тақдир этилди.

Шавкат Мирзиёев сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни жадаллаштириш зарурлигини қайд этди ҳамда Ўзбекистон Ташкилотнинг ўтган йили ишлаб чиқилган "Замонавий Ипак йўли" сайёҳлик дастурида фаол иштирок этишга тайёрлигини билдирди. 2020 йилда кўхна Хива шаҳри "Туркий дунёнинг маданият пойтахти" деб эълон қилиниши қардош халқларимизни янада яқинлаштиришга, абадий дўстлигимизни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўлишини таъкидлади.

Президентимиз Кенгашга аъзо мамлакатлар аҳолисининг 40 фоиздан ортқи ёшлар эканидан келиб чиқиб, уларни тadbirkорликка кенг жалб этиш мақсадида Туркий кенгаш доирасида Ёш тadbirkорлар форумини таъсис қилиш ва унинг биринчи йилгилишини келаси йилда Ўзбекистонда ўтказишни тақдир қилди.

Ўзбекистон Президенти маданий-гуманитар соҳалар аҳамиятига алоҳида тўхталиб, Кенгашга аъзо давлатлар адабиётининг энг сара намуналаридан иборат "Туркий адабиёт хазинаси" деб номланган юз жилдик китоблар

туркумини ҳар бир мамлакатнинг она тилида нашр этиш тақдирини илгари сурди.

– Биз Ташкилот қошидаги Халқаро туркий академияга аъзо бўлиб киришга тайёрмиз. Шу билан бирга, Кенгашга аъзо мамлакатларнинг замонавий адабиёт ва санъат, тарих ва меъморчилик соҳасида улкан ютуқларга эришган ижодкорларини рағбатлантириш мақсадида Халқаро ТУРКОСИ мукофотини таъсис этишни тақдир этамиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев пировардида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига раислик Озарбайжон Республикасидаги ўтиши муносабати билан Илҳом Алиевни қўллаб, унга улкан муваффақиятлар тилади.

Туркий кенгашнинг бу галги саммити кичик ва ўрта тadbirkорликни ривожлантириш мавзусига бағишланди. Шу муносабат билан саммитда туркий давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги ва ҳамжihat тараққиёти билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди. Ташкилот доирасида ҳамкорликнинг иқтисодий жиҳатдан кенгайиши дунёдаги сиёсий ва иқтисодий тангликларга нисбатан туркий давлатларнинг барқарорлигини кучайтириши таъкидланди.

Учрашув якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Делегациялар раҳбарлари Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг еттинчи саммити декларациясини, Туркий кенгашнинг мувофиқлаштирувчи кўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги қарор ва бошқа ҳужжатларни қабул қилдилар.

Туркий кенгашга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасининг тўла хуқуқли аъзо сифатида Ташкилотга қўшилиши тўғрисидаги Қўшма баёноти саммитнинг муҳим воқеаси бўлди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифингда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши бош котиби Бағдад Амреев делегация раҳбарларининг самалар мулоқоти мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига мос равишда ўзаро фойдали шериклик ўрнатиш бўйича навбатдаги қадамларни белгилашга имкон берганини таъкидлади.

Саммит доирасида Боку шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғунинг учрашуви бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари бир-бирини самийий қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, кўп қиррали ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида мамнуният билан қайд этдилар.

Туркия Президенти Ўзбекистон раҳбарини мамлакатимизнинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига қўшилгани билан самийий табриклаб, бу қарор икки томонлама алоқалар ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Музокараларда конструктив

сиёсий мулоқотни давом эттириш, иқтисодий, савдо, инвестициялар, энергетика, туризм ва бошқа йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Икки мамлакатнинг етакчи компаниялари иштирокидаги қўшма инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон ва Туркия Президентлари халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашдилар, шунингдек, бўлажак олий даражадаги тadbirkор режасини кўриб чиқдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев Венгрия Бош вазири Виктор Орбани қабул қилди.

Учрашув аввалида Венгрия ҳуқумати раҳбари Президентимизни Ўзбекистоннинг кенгашга қўшилгани билан самийий табриклади. Ушбу ташкилот доирасида ҳамкорликни ривожлантириш мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирилди. Сўхбат чоғида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги шериклик истиқболлари кўриб чиқилди.

Амалий ҳамкорликка оид, аввало, қишлоқ ҳўжалиги, чорвачилик, саноат, фармацевтика, туризм ва бошқа йўналишлардаги лойиҳаларни илгари суришда икки томонлама Ҳуқуматларо комиссиянинг учрашувларини мунтазам ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Халқаро аҳамиятга молик, жумладан, Ўзбекистон – Европа Иттифоқи йўналишидаги шерикликнинг долзарб масалари ҳам кўриб чиқилди.

Туркий кенгаш саммити доирасида Боқуда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Нурсултон Назарбоевни Туркий кенгашнинг фахрий раиси этиб сайлангани ҳамда Туркий дунёнинг олий орденига сазовор бўлгани билан табриклади.

Қозоғистоннинг Биринчи Президенти Кенгашга асос солиниши ва унинг ривожланишига, ташкилот доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг кенгайишига катта ҳисса қўлиши алоҳида таъкидланди.

Элбоши Нурсултон Назарбоев ўз навбатида Ўзбекистоннинг Туркий кенгашга қўшилиши ушбу тузилманинг халқаро нуфузини ва ҳамкорлик самарадорлигини оширишга хизмат қилишини қайд этди. Учрашувда икки томонлама муносабатларга оид, шунингдек, глобал ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжон Республикасида ташрифи якунланди.

Матназар ЭЛМУРDOB,
ЎЗА МАХСУС МУДБИРИ
Тошкент – Боку – Тошкент.

ЭРКИН БОЗОР МЕХАНИЗМИ

Аҳолини ун, нон ва нон маҳсулотлари билан ўз вақтида таъминлаш долзарб масалалардан саналади. Етиштирилган бугунги давлат ресурсларига қабул қилиш ва уни қайта ишлаб, аҳолига етказишга иxtисослашган "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси ва унинг таркибидagi корхоналар томонидан бу борада тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, яқинда Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа эгалари кенгаши томонидан Ҳукуматдан галлалачилик фермер ҳўжаликлари томонидан етиштирилган донни эркин нархларда сотиш тизимини йўлга қўйиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига мурожаатнома киритилди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг "Ғалла етиштирувчи фермер ҳўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш тўғрисида"ги қарори чиқарилиб, мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қарор қабул қилинди. Унга асосан, "Ўздонмаҳсулот" АК тизимидagi ва бошқа донни қайта ишлаш корхоналари томонидан ишлаб чиқари-

лаётган ва ун маҳсулотларининг ҳеч қандай чекловларсиз эркин бозор механизмига асосланган ҳолда сотилиши кўзда тутилган. Мазкур қарор бозор муносабатларини иқтисодиётнинг барча жаҳаларига кенг жорий этиш, тadbirkорлик субъектлари фаолияти ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштириш, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг галла ва уни қайта ишлашдан олинadigan маҳсулотларга ошиб бораётган талабларини тўлиқ қондириш имкониятини яратди.

Шуни таъкидлаш жоизки, 2018 йилнинг октябр ойидан бошлаб "Ўздонмаҳсулот" АК тизим корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган олий навли ун барча истеъмолчилар учун биржа савдолари орқали ҳеч қандай чекловларсиз эркин сотилмоқда. Бундан ташқари, 2019 йилнинг март ойидан буён макарон, қандо-

латчилик маҳсулотлари ҳамда ноннинг миллий турларини ишлаб чиқаришга иxtисослаштирилган корхоналарга биржа савдоларида сотилмоқда. Шу билан бирга биринчи навли уннинг улгуржи ва чакана нархларини маъмурий тартибда белгилаш нархларини шакллантиришнинг тўлақонли бозор механизмларини жорий қилиш имконини бермайти ва бунинг натижасида ун ва ун маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ишлаб чиқарилган ва сотилган ҳар бир тонна ундан салкам 900 минг сўмдан зарар кўрмоқда.

Эндиликда, ишлаб чиқарилган ун маҳсулотларининг тўлиқ биржа савдолари орқали сотилиши айрим ноҳолис ҳаракатлар ва коррупция ҳолатларини бартараф этишда ёрдам беради. Барча турдаги истеъмолчилар ўз моддий имкониятларидан келиб чиқиб биржа савдолари орқали харидларни амалга ошириш имкониятига эга бўладилар.

Ушбу қарор натижасида дон корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатлари қопланиши ва фаолиятларини зарарсиз олиб боришларига кенг имкон яратилади. Аҳолининг иxtимойй ҳимояга муҳтож катламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида

компенсация тўловларини жорий этиш қарорда кўрсатиб ўтилган.

Бугунги кунда "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси тизимидagi 44 та дон корхонаси тасарруфидagi 52 та тегириком чеки аҳоли талабини қондира олувчи сифатли маҳаллий ун маҳсулотини ишлаб чиқармоқда. Тегирикомлар технология ҳолатида келиб чиқиб доимий равишда замонавий технологиялар асосида модернизация қилиб боришмоқда. Жумладан, жорий йилда кунлик 2,3 минг тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 10 та тегириком цехлари хорижий давлатларнинг замонавий, энергия тежамкор технологиялари билан модернизация қилинмоқда. Бунинг натижасида маҳсулот сифати янада яхшиланиб, электр энергия сарфи 25-30 фоизга қисқаришига эришилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ушбу қарор асосида корхоналарда техник, технологик янгилаш жараёнлари янада жадаллашадиган ва ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилган ҳолда аҳолига ун ҳамда ун маҳсулотларини етказиб бериш ҳажми ортади.

Самарқанд вилояти

Президентимизнинг жорий йил 20 февралдаги “Обод қишлоқ” дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимининг “Кўшработ туманидаги Жўш қишлоғи 2019 йил “Обод қишлоқ” давлат дастурига киритилиши муносабати билан қишлоқда қурилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш тўғрисида”ги баённомаси ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Жўш қишлоғида 2019 йил “Обод қишлоқ” давлат дастурига киритилган 9 та маҳалла фуқаролар йиғини ва унинг таркибидagi 48 та қишлоқда мавжуд турар ва нотурар-жой биноларини тартибга солиш, коммуналхўжалик тармоқлари, маиший хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳа объектларини янгилаш ва таъмирлаш, фуқароларни оммавий тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда яшаш шароитларини яхшилаш бўйича жойларда самарали ишлар бажарилмоқда.

Жўш қишлоғи ва унга туташ ҳудудлардаги мавжуд хонадонларда истиқомат қилувчи аҳоли тўлиқ хатловдан ўтказилиб, рўйхати шакллантирилди. Ҳудуддаги 9 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 3396 та хонадон, ижтимоий соҳа ва бошқа объектлар, улардаги барча таъмирталаб турар ва нотурар жой иморатлари, тўсиқ, девор ва панжаралар билан ўралди. “Обод қишлоқ” дастури бўйича ҳудуддаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, қурилиш-таъмирлаш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида туман ташкилотлари раҳбар ва ходимларидан иборат масъул ишчи гуруҳлар тузилди. Улар томонидан хонадонлар, ижтимоий соҳа ва бошқа объектлардан 2953 тасида “Обод қишлоқ” дастури бўйича тегишли ишлар ташкил қилинди.

Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан қарийб 24 минг нафар фуқаро рўйхатга олиниб, шунинг 58,51 фоизи тиббий кўриқдан ўтказилди. Кўрик жараёнида жами 3960 нафар фуқарога турли касаллик ташхислари кўйилиб, даволанишга тавсия қилинди.

Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси томонидан 187 километр узунликдаги ички тўпроқ йўллари автогрейдер ёрдамида текислаш режалаштирилган. Бугунги кунда бу вазифанинг 58,8 фоизи бажарилди. Кўчаларга қум-шағал ётқизиш, марказий кўчаларни асфальтлаш борасида ҳам кўнгилдагидек ишлар амалга оширилмоқда. “Жўш” маҳалла фуқаролар йиғини ва унга туташ қишлоқларда жами 12 минг 950 метр ҳажмда пидедалар йўлагига барпо этиш

Жўшликлар Жўшиб ишламоқда



мўлжалланган эди. Ҳозирга қадар бу ишнинг 80 фоизи удалангани курувчиларнинг мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланаётганидан далолат беради.

Жўш қишлоғини кесиб ўтган сой устига қурилган, Нурота асосий йўли билан “Жўш ота” МФЙ марказини боғловчи эни 6 метр бўлган кўприк реконструкция қилиниб, яна 4 метрга кенгайтирилди. Ушбу сой устига “Жўш ота” МФЙ билан “Оқмачит” МФЙларни боғловчи пидедалар учун мўлжалланган кўприк қуриш ишлари якунланди.

Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси ташкилотчилигида ҳашар йўли билан Тепалик қишлоғида мактабга бориш йўлида боғловчи кўприк қурилди. Бундан ташқари, Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси томонидан йўл четларига манзарали дарахтлар экилиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кенг қўламда амалга оширилмоқда.

Газ таъминоти корхонаси томонидан 3396 та хонадон ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижаларида 942 та сулолтирилган газ баллонга эҳтиёжманд хонадон борлиги аниқланди. Уларнинг барчаси тўлиқ сулолтирилган газ билан таъминланди. Вилоят газ таъминоти корхонаси аҳолига сулолтирилган газ баллонларини етказиб бериш сифатини яхшилаш мақсадида ҳудудда газ кўйиш шохобчаси қуришни лозим деб топди.

Ҳудудда электр таъминотини яхшилаш бўйича ҳам вилоят электр тармоқлари корхонаси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 6 та қуввати пастроқ трансформатор ўрнига қуввати баландроқлари ҳамда 8 та қўшимча трансформатор ўрнатиш

режалаштирилди. Бугунги кунда эса 7 та трансформатор ўрнатилди. Режадаги 445 донга 10 кв.ли электр узатиш линияси учун сим таянчлардан 342 донаси ўрнатилди. 0,4 кв.ли электр узатиш линияси учун сим таянчлар ўрнатиш режада 893 донани ташкил қилади. Ҳозиргача 501 та шундай сим таянчлар ўрнатилди. 9 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларидаги 93 донга трансформатор тўлиқ капитал таъмирланмоқда.

“Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ томонидан Жўш ота массивида намунавий лойиҳалар асосида икки сотихлик, бир қават, уч хонали 10 та уй-жой қурилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 2321,906 миллион сўмни ташкил қилади. Бундан ташқари, ҳудудда яна 75 та имтиёзли кредит асосида арзон уй-жой қурилмоқда.

Ижтимоий соҳа объектларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, инвестиция дастури асосида туман тиббиёт бирлашмаси Жўш филиалининг бола-лар ва ички касалликлар, 103 хизмати тез ёрдам биноларини янгидан қуриш ва тоза ичимлик

суви билан таъминлаш мақсадида сув иншооти қурилмоқда. Жўш ҳудудидаги 120 ўринга мўлжалланган 32-умумий ўрта таълим мактаби, 210 ўринга мўлжалланган 41-умумий ўрта таълим мактаби ҳамда 100 ўринли 11-мактабгача таълим муассасалари реконструкция қилиниб, замонавий кўринишга келтирилмоқда. Инвестиция дастури бўйича жами ажратилган маблағ 13027,4 миллион сўмни ташкил қилади.

Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Чиммос қишлоғида маҳалла фуқаролар йиғини маркази биноси қурилиши, “Жўш ота” МФЙ ҳудудидан 14-сонли ички ишлар бўлинмаси биноси қурилиши, Жўш маҳалласидаги Ўзбек Халқ бахшиси Эргаш Жуманбулбул ўғлининг уй-музейни реконструкция қилиш ва Тоз қишлоғида маҳалла фуқаролар йиғини маркази биносини қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, “Чиммос” МФЙда 50 катновга мўлжалланган ҚВП биноси қурилиши, Тўра қишлоғида 75 ўринга мўлжалланган 15-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш

Маҳалла фуқаролар йиғинларининг қишлоқ ва гузарларида сунъий қопламали стадион қуриш учун 5 нафар ташаббускор тадбиркор аниқланиб, стадион қуриш учун банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратилмоқда ва яна 5 та шундай стадион қурилиши режалаштирилган. Ташаббускор тадбиркорлар томонидан автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо шохобчалари, давлат шериқчилиги асосида мактабгача таълим муассасалари, нурунийлар чойхоналари, тикув цехлари, болалар майдончалари қуриш режалари тузилмоқда.

Актамон БЕРДОНОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

Фарғоналиклар пахтачиликда карвонбоши

(Боши 1-саҳифада)

– Кластер дегани минерал ўғитни вақтида олиш, ёнилғи-мойлаш материаллари билан ўз вақтида таъминлаш, нақд пул муаммосини ечиш, керагича моддий рағбат, транспорт, йўл харажати деган ортиқча югур-югурларга барҳам бериш деганидир. Кластер фермер хўжалиқларида етиштирилган пахта толасининг нозиклигидан, пишқиригидан ва узунлигидан манфаат олади, бунинг учун хомашё етиштирувчини моддий рағбатлантиради, бошқа барча шароитларни яратиб беради. Бу йил кластер усулига илк бор ўтган Езёнов тумани, Қўштепа тумани, ўтган йили ҳам республикада биринчи бўлиб режани бажарган Риштон тумани пахтакорлари вилоятдагина эмас, республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш контрактация режаларини ортиги билан бажардилар. Шу ўринда “Баҳодир Логон текстил” тўқимачилик корхонаси кластерининг Езёнов туманида пахтакорларга яратиб берган шароити ҳақида қисқача маълумот берсак. Бу туманда пахта теримида ўз имкониятидан келиб чиқиб, бир килограмм етирилган пахта учун 800 сўм ўрнига устама кўшиб 1000 сўмдан, 1200 сўмгача меҳнат ҳақи тўланади. Натига эса кутилганидан бўлди.

Вилоят пахтакорларининг меҳнат ютуғига бағишланган вилоят “Пресс клуби” сессиясида кўплаб ютуққа эришган фермерлар, мутахассислар, кластер раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар. Вилоят ҳокимлиги матбуот котиби, вилоят “Пресс клуби” раҳбари Муҳаммадjon Обидов бу йилги ҳосилнинг қисқа муддат ва шиддат билан териб олиниши ҳамда режаларининг ортиги билан адо этилиши сабабларига тўхталиб ўтар экан, “Экспо колор Принт-текс” МЧЖ корхонаси ва Тошлоқ тумани кластери раҳбари Абдуқаҳор Жўрабоевларнинг кластер хусусидаги фикри билан қизиқди.

– Бу усулнинг қулай томонлари фермерларга жуда кўп. Қолаверса фойдалилик томони бир қанча хорижий давлатларда ўз исботини топган, – деди Тошлоқ тумани кластери раҳбари Абдуқаҳор Жўрабоев. – Деҳқонларга керак бўладиган минерал ўғит, кимёвий восита, нефть маҳсулотларининг ўз вақтида етиб бориши, иш ҳақларининг тизимили етказиб берилиши, пахтага ишлов беришда инновацион ғояларнинг татбиқ этилиши, пахта харидида юқори нархларнинг белгиланиши, фермерларнинг юқори даромад олишига ишонча кластер тизимининг маъқул бўлишига омил бўлди. Келажакда бу усулнинг ўзини оқлаши аниқ бўлиб турибди ва биз айнан кластер тизимида ишлашни давом эттирамиз. Биз фермерларнинг даромадини оширишга ҳисса қўиши билан бирга келгусида пахта хомашёсидан олинган қунжара, шелуха, ёғ ва бошқа маҳсулотлардан ҳам уларга бermoқчимиз.

Ўтган йили вилоятда битта кластер бўлгани ҳолда, бу йил 9 та туман кластер усулига ўтди. Балки келгуси йили бу усул бутун вилоят туманларида жорий этиларми? Йиллар давомида тупроқда кўпайиб кетган нитрат бу йил режага тушди, қолаверса пахта гуза танасининг учала ярусидан ҳам бир ҳилда пишиди, сифати яхшиланди. Ҳозирги ҳисоб-китобларга қараганда вилоят фермерлари жорий йил ҳосилидан 380 миллион сўм соф даромад олишади.

– Езёнов туманида ҳеч қачон бу йилгидай пахта етиштирилмаган эди. Бу туман мамлакатда биринчилардан бўлиб контрактация режасини бажаргани ҳаммани ҳайратга солди, – деди вилоят ҳокимлиги матбуот котиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Муҳаммадjon Обидов. – Яқин йилларгача бу туманда пахта экиб бўлмайдими, бошқа турдаги экинларни экиш керак, деган иддаолар бўлиб турарди. Ҳатто бу масала мамлакатимиз ҳукумати даражада ҳам муҳокама бўлган. Бошқа экин турларига ўтказиш масалалари муҳокама қилинган эди. Лекин, ажабки бу туман мамлакатда биринчи бўлиб режани бажарган бўлса ҳам, ҳозиргача пешқадамликни қўлдан бермаяпти. Ҳали кундалик пахта топириш режаси икки фоиздан камайгани йўқ.

Вилоятнинг пахтачилик истиқболи порлоқ. Келаси йилдан бошлаб кластерлар пахта териш машиналарини харид қилиш ва улар билан пахта теришни ташкил қилиш чораларини кўрайтилар. Вилоятда пахта терими тўхтагани йўқ. Беповин даладарда очилиб ётган пахтачи қўрган киши “Бу йил ишлов ҳўжалигида чиндан ҳам Фарғона йили бўлибди, бу пахталарни етиштирган бободоҳлонларнинг отасига раҳмат”, дейиши турган гап.

Ҳамидjon БУРҲОНОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

ЎЭълонлар

Ҳурматли тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига! “KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖ

такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этилган очиқ аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги “НБУ Бунёдкор Инвест” МЧЖнинг 2019 йил 15 октябрдаги 924-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулк кўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Пискент туманида жойлашган, умумий майдони 1,1453 га, қурилиш ости майдони 2982,43 кв.метр, 8 та литердан иборат, 2 қаватли “Пискент деҳқон бозори” мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 7 409 427 000 сўм.

2. Навоий вилояти, Томди туманида жойлашган, умумий майдони 5600 кв.метр, қурилиш ости майдони 1013,63 кв.метр, 8 та литердан иборат, 1 қаватли “Томди деҳқон бозори” мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 2 873 630 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 28 октябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Ҳамид Олимжон кўчаси 13А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида шитирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 14:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги мулклар 2019 йил 28 октябрь куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолари 2019 йил 4, 11 ноябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Лицензия RR-0001.

Ҳурматли тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига! “KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этилган очиқ аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги “НБУ Бунёдкор Инвест” МЧЖнинг 2019 йил 10 октябрдаги 913-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулк кўйилмоқда:

1. Фарғона вилояти, Қувасой шаҳрида жойлашган, савдо расталари ва автотураргоҳ умумий майдони 4870 кв.метр, қурилиш ости майдони 700,9 кв.метр, 5 та литердан иборат бўлган “Қувасой деҳқон бозори” 1 қаватли мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 1 270 537 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 22 октябрь куни соат 11:00да Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Ҳамид Олимжон кўчаси, 13А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида шитирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулк мuddатли бўлиб тўлаш шарти билан 5 (беш) банк иш куни ичида сотувчи билан тегишли мулкнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги суммани тўлаб бериш ва қолган 85 фоиздан иборат суммани 7 йил мuddатга бўлиб-бўлиб тўлаб бериш шартлари асосида олди-соти шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади, шунингдек, 2019 йил 22 октябр куни сотилмаган тақдирда 2019 йилнинг 31 декабрига қадар ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: – юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо голибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-соти шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО:01121, СТИР:207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширунганга қадар тўлашлари шарт.

Лицензия RR-0001.

“HUA SHENG METAL” МЧЖ ҚҚ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-633-сон қарори асосан ўз фаолиятини илтиёр тугатишни маълум қилади.

“GREEN BIGOS” МЧЖ ҚҚ жамият таъсисчиларининг 15.08.2019 й.даги 2-сонли баённомасига асосан ўз фаолиятини илтиёр тугатади.

Тошкент туризм ва бизнес касб-ҳунар коллежи (аввалги меҳнатчилик техникуми) томонидан 1984 йил Умарова Дилоромга берилган 1434739-сонли диломи йўқсизлиги муносабати билан бекор қилинди.

Олим — олам гавҳари

Ҳаётда шундай инсонлар борки, уларнинг ҳаёт йўли ҳақида қат-қат китоб ёзганда ҳам сўз етмайди. У инсон ҳақидаги фикрлар дуру маржон каби терилаверади. Устозимиз Мурод Муҳаммадов тўғрисида ҳам ана шундай илиқ гап айтиш мумкин. Унинг мазмунли ҳаёти, у яратган бебаҳо илмий мерос, фан фидойиси сифатидаги ҳурмати юртимизда маълум. Шу боис, унинг номи ҳамisha фахр билан тилга олиниб, эъзозланади.



Устоз республикамиз халқ маорифи, айниқса, олий таълим соҳасида етук иқтисодчи кадрлар тайёрлаш ишига салмоқли ҳисса қўшган замонамизнинг салобатли маърифатпарварларидандир. Камтарин устоз институтда юксак билими ва меҳнатсеварлиги билан ассистентликдан бошлаб, ректорликкача бўлган поғоналарни босиб ўтди.

Яқинда 70 ёшини қарши оладиган олимнинг олий таълим даргоҳидаги фаолияти ўзига хос таҳсинга лойиқ. Талабалар доим унинг маърузаларини мароқ билан тинглашади. Нутқи жуда ўткир ва таъсирли. Шунинг учун унинг фикр-мулоҳазасига эътироз билдириш

қийин. Устозим доим менга "Илм чўққисига эришиш игна билан қудуқ қазиб" билан баробар деб, ўқитардилар. Шогирдларидан тинимсиз иланишни талаб қилиш билан биргаликда, ўзининг қимматли вақти ва маслаҳатларини аямайдилар. Кийинчи маданиятига жуда эътибор беради. Педагог ва талабаларнинг зиёлига хос кийимда, зиёлига хос виқорли кўринишини истади. Инсонийлик хусусиятига хос бўлмаган, нодонлик, саводсизлик, боқи-беғамликни жуд ёмон кўради. Шу сабабдан "Илм йўлида машаққат билан меҳнат қиладиган инсон жамият биносининг бинокорлари, маърифат боғининг боғбонларидир.

Улар ҳаёт бўстонидаги ниҳолнинг бақувват дарахтига айланиши учун беқиёс меҳнат қиладилар", дея кўп таъкидлайди.

Илгор педагогик тажрибани ўрганиш, унга асосланиб янги педагогик ҳодиса ва қонуниятларни очиб, ўқув-тарбия жараёнига яхши сифатли ўзгаришлар киритиш, ўқувчиларнинг билим фаолиятини бошқариш, янги кўринишдаги ўқув жараёнини моделлаштириш муаммоларига ечим топишдан толмайди. Ижодий ишлайдиган ўқитувчи фақатгина болаларни муваффақиятли ўқитиш ва тарбиялаш, илгор ўқитувчилар тажрибаларини ўрганиш билангина чекланиб қолмасдан, тадқиқотчилик,

қўнма малакаларига ҳам эга бўлиши зарурлигига алоҳида эътибор беради.

Устоз институтнинг ижтимоий-сиёсий ишларида ҳам фаол иштирок этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўзоқ йиллар давомида докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгаш аъзоси, Қараганда иқтисодиёт университети қошидаги ихтисослашган Кенгаш аъзоси сифатида фаолият кўрсатди.

Зукко олим илм чўққиларига чиқиш жуда ҳам машаққатли эканлигини билади. Бу эса унинг учун фақат зғу мақсад ва бебаҳо инъом, ижодий рағбатдир. Синчков олим иқтисод соҳасидаги махсус йирик монографик тадқиқоти — докторлик диссертациясини яратиб билан кифояланиб қолмади, балки, мамлакат иқтисодиёти масалаларини янада чуқурроқ, мукамал ёритиш ва натижаларини ўз олдига вазифа қилиб олди. Унинг ўнлаб дарслик ва монографиялари, юзлаб илмий мақолалари (уларнинг 60 дан зиёди хорижда) нашр қилинган. Улар ичида фундаментал илмий ишлардан

5 та меҳнатни рағбатлантиришга бағишланган монографиясини мисол келтириш мумкин. Шунингдек, қорхона иқтисодиёти ва меҳнат иқтисодиётига оид 5 та дарслик ва ўқув қўланма ҳам Мурод Муҳаммадовнинг қаламига мансубдир. Бугунги кунда меҳнатни рағбатлантириш масаласига алоҳида устувор масала сифатида уру берилмоқда. Чунки ушбу масала ижтимоий-иқтисодий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида намоён бўлди. Шу тўғрисида мазкур масала бўйича ҳамон илмий тавсияларни беришдан тинган эмас.

Яқинда сарқирра ижод соҳиб-би Мурод Муҳаммадов қаламига мансуб фундаментал асар "Экономическая история Узбекистана: от эпохи Тимура до наших дней" номи билан нашрдан чиқарилди. Устознинг ушбу асарини дунёга келтиришдаги катта меҳнати, илмий салоҳияти, шижоати ва матонатига тан бермасликнинг илоҳи йўқ.

Устознинг бутун ижодий фаолиятини биргина мақолада батафсил ёритиб бўлмайди, албатта. Бу борада махсус тадқиқот олиб бориш мумкин.

Юлда УРУНБАЕВА,
Самарқанд иқтисодиёт ва сөрвис институти катта ўқитувчиси,
иқтисод фанлари доктори.

Она тилимиз жон қадар азиз

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида "Тилни асраган элини асрайди" номли маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда мутасадди ташкилотлар масъул ходимлари, ёзувчи-шоирлар, танкичи актёрлар, ҳарбийлар иштирок этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Нодир Жонузюқ, Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгаши раиси ўринбосари ва бошқалар халқимиз сийратини кўрсатиб туривчи ўзбек тили ҳақида фикр билдирди.

— Тил байрамимиз яқинлашиши билан турли широрлар остида тадбирлар ўтказилади. Бунда тадбирларни номлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Тил — миллат руҳи, десак тўғрироқ бўлади. "Браво", "Импурс", "Манго", "Элдидо" маъносиз ва хорижий тилдаги ўзбек қўшиқчи ва қизқичларнинг гуруҳ номлари бор. Наҳот 80 мингдан ошқ сўзи бор изоҳли лугатимизда шу жамоалар-

га қўйишга арзигулик ном бўлмас. Аслида, тилга ҳурмат мана шундай оддий нарсалардан бошланади. — деди адабиётшунос олим Зухриддин Исомиддинов.

Тадбирда таъкидланганидек, ҳарбийлар ватанини асраши билан бир қаторда тил, миллат ва халқ шаънини ҳам ҳимоя қиладилар. Сафда айтиладиган ўзбекча қўшиқлар, ҳарбийларнинг шу юрт учун қиладиган Ватанга қасамёдидаги ҳар бир ўзбекча жарангдор сўз уларга янада куч, илҳом бахш этади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус авария тиклаш бошқармасига қарашли ҳарбий ансамблининг куй-қўшиқлари тадбир иштирокчиларига кўтаринки руҳ бағишлади.

Д.МАМАТОВА,
ЎзА муҳбири.

Реклама

PROMZONA LEASING

Куру-тун: 71-280-00-71
promzona.uz

Мақсудотлар сертификатланган

TTZ-LS I38, TTZ-LS U62
мини тракторлари

Йилига 2%дан
лизингга

Хизматлар лицензияланган

PLANETA SERVIS

ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ»
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мақсудотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

ТОГЛАР

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар қорхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-П (Б) Бульдозер
- Бульдозер-погрузчик БД-750
- Занжирли экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- "Беларусь" тракторлари эҳтиёт-қисмлари
- Турли моделдаги шиналар

Мақсудотлар сертификатланган.

Т: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

"Ўзагротексаноатқолдинг" АЖ тизимидаги

"ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ"

акциядорлик жамияти

қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникаларини буюртма асосида ишлаб чиқаради ва сотади:

1. Турли русумдаги замонавий ва барча қулайликларга эга тракторлар (8 турда)
2. Пахта териш машиналари (3 турда)
3. Тиркамалар.

Эслатма: ушбу қишлоқ хўжалиги техникалари хорижнинг машҳур компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган бўлиб, турли афзалликларга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси 434 уй.
Мўлжал: (собиқ ТТЗ қорхонаси.) Телефонлар: (71) 264-08-12, (71) 264-77-48. Info@TZST.uz.

Мақсудотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!

"Нуроний" жамғармаси Янгиқўрғон тумани бўлими Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган грант танлови доирасида молиялаштирилган "Нуронийлар-ёшларни китобхонликка қорлар" лойиҳаси билан иштирок этиб, ғолиб деб топилган ҳамда 2019 йил №61-08/94-сонли сертификат билан тақдирланган.

Танлов доирасида 10 млн. сўмга молиялаштирилган "Одобимиз-миллат кўзгуси" номли китобни белгиланган талаблар асосида чоп эттириш учун юртимиздаги барча нашриётларга танлов эълон қиладилар. Тендер ўтказиш мuddати эълон берилган кундан бошлаб 5 кун.

КИТОБНИНГ ТЕХНИК ШАРТЛАРИ:

китоб 204 бетдан иборат, 15-16 шрифда, крилл алифбосида, "Times New Roman" гарнитурасида, рангли муқовали, давлат стандартлари асосида босиб чиқарилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази жамоаси Уруғчиликни ривожлантириш марказининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи **Е.ИБРАЙМОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
таркибидagi ҳамда бошқа
дахддор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Жамшид Хўжаев, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бақридин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурашул АБДУЛЛАЕВ, Актам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рамикўл СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Телефонлар: Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 236-26-47, Аграр масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-76-78, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-28-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:

- Андижон — (+99893) 630-73-03;
- Бухоро — (+99891) 401-29-59;
- Жиззах — (+99893) 940-10-78;
- Навоий — (+99891) 332-50-99;
- Наманган — (+99893) 948-53-86;
- Фарғона — (+99890) 407-78-33;
- Самарқанд — (+99893) 348-54-39;
- Сирдарё — (+99894) 168-23-80;
- Сурхондарё — (+99890) 520-20-05;
- Тошкент — (+99890) 976-39-58;
- Хоразм — (+99897) 790-47-61;
- Қашқадарё — (+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

2009 йил 13 февралда
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Буюртма Г-1025, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қроғз бичими А-2.

Манзилми: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета тахририятининг ўзида компьютерда терилди ва даяйнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

3 776 нускада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ — 144
Босишга топириш вақти: 21.00
Босишга топирилди: 22.10

ISSN 2010-7021



Набатчи муҳаррир:
А.ХАҚБЕРДИЕВ